

ИБРОҲИМ  
ҒАФУРОВ



ЛИРИКАНИНГ ЮРАГИ




# ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ



Адабий уйлар

У32  
Г24

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ



*лириканинг  
юраги*

Тошкент,  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти,  
1982

Г. А. Х. Х. Х.

Одамнинг қалби замон ҳодисаларига жуда сезгир. Замон ўзгаришлари, унинг шамоллари, социал-маданий, сиёсий-адабий кайфиятлари қалбга кўчади, унинг зарбларига тинимсиз таъсир кўрсатади. Шеър қалбнинг самараси, у ҳам қалб каби беҳад нозик ва тийрак. Замонанинг ўзгараётгани, одамларнинг ўзгараётгани унга ҳам қаттиқ таъсир қилади. Шеър—мана шундай ўзгаришларнинг, ўсишларнинг тасвир ойнаси. Унда ғояларнинг тараққиётларини, инсон онги ва маънавиятининг ўсиш тарихларини, сифат янгиликлар касб этиш жараёнларини кузатиш гоятда мароқлидир. Мана шунга кўра Гомер қаҳрамонлари Овидий ва Катулл қаҳрамонларидан, Низомий қаҳрамонлари Навоий қаҳрамонларидан, Пушкин қаҳрамонлари Твардовский қаҳрамонларидан, Ғафур Ғулом қаҳрамонлари Эркин Воҳидов қаҳрамонларидан тубдан фарқ қилади, ўз такрорланмас хислатлари билан ажралиб туради. Улар фақат ажралиб турмайди. Балки муҳим бир нуқталарда принципиал яқинлашиб ҳам келади. Уларни ҳаққоният ва гуманистик пафос бирлаштириб туради ва улуғвор, бепоён ҳар ҳодисанинг ажралмас ҳалқалари каби қабул қилишга ундайди.

Иброҳим Ғафуровнинг янги китоби бугунги ўзбек шеъриятида бораётган изланишларни, шу изланишларнинг самараларини акс эттиради. У шеърятни, унинг тарихини ғоялар ва қаҳрамонларнинг ўзгариш, ўсиш тарихи деб тушунади. Шу бош тушунча доирасида ўтмиш ва бугунги шеър ҳодисаларини таҳлил ва тадқиқ қилади.

## ЛИРИКАДА ИНСОН ХАРАКТЕРЛАРИ

**Т**ўлғин жараёнларни бошдан кечираётган ҳар бир миллий адабиётнинг сифати ва савияси у кўтариб чиқаётган характерларнинг бойлиги, ранг-баранглиги, социал қиммати, у ифодалаган ҳаёт ҳақиқатининг теранлиги билан ҳам белгиланади.

Инсон характери нима ва у ўз ичига нималарни олади, деган муаммо устида қадим донишмандлар ҳам бош қотирганлар. Улар инсон табиатининг мағзида нималар ётишини равшан тасаввур қилишга ҳаракат қилганлар. Аристотель инсон характери нима деган саволга: у муайян ирода йўналиши, деб жавоб беради. Ва шу қисқа таърифи билан инсон характерининг туб моҳиятига назар ташлагандай бўлади. Бу инсон ўзини—ўз ички моҳиятини ҳаракатда, фаолиятда зоҳир қилади деганидир. Улуғ Гегель характерни Аристотелдан келиб чиқиб, лекин ундан кўра ҳам тўлароқ ва серқамров қилиб ифодалайди. «Характер,—дейди Гегель,—ирода ва қизиқишнинг муайян шаклидир, шулар билан у қимматга эга бўлади» («Эстетика», т. 4, 376.) Сўнг у ўзининг ушбу таърифини унинг мағзи ва моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда бир қанча маротаба такрорлайди ва ҳар сафар унинг янги бир томонини бўрттириб кўрсатади. Инсон унинг қатор қилиқларида намоён

булади, дейди Гегель ва яна бошқа бир ўринда. Ҳаракат бўлмоғи учун асосан характер талаб қилинади, дейди у яна.

Янги замон адабиёт назарияси эса адабий характер инсон ҳаёти қонуниятларини акс эттиради, дейди. Ва даврнинг белгиларини ўзида акс эттирадиган бадий характерларни юксак баҳолайди.

Характерга берилган мана шу таърифларнинг бутун ранг-баранглигини инкор этмаган ҳолда уларнинг барчасида умумий нуқта борлигини, бу нуқтада таърифлар бирлашганлигини, бир фикрга келинганлигини кўрамиз. Яъни уларнинг ҳаммаси характерни ҳаракат, яъни фаолият билан ёнма-ён қўяди. Характер ўз қиммати ва моҳиятини албатта фаолиятда очади. Лекин характер бўлмоғи учун унинг барча ҳаракатлари изчил кўринишга эга бўлиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, характер инсон хулқининг изчил кўринишларидир.

Бу изчиллик бутунлик ва ёки қарама-қаршиликлар асосига қурилади. Зиддиятли характерлар, бутун (яхлит) характерлар деган ифодалар шундан келиб чиқади.

Шу изчиллик буюк бадий қонуният каби намоён бўлади.

\*                      \*

\*

Қайс Қаъба эшигининг ҳалқаларини ушлаганда, мени ишқдан халос эт деб илтижо қилиши мумкинмиди? Ахир, Қаъба ҳалқасигача у қанча савдоларни бошидан кечирди. Яқинларининг бошларига қанча уқубатлар келтирди. Ҳозир ҳам унинг қошида отаси ва яқинлари кўз ёши тўкиб жавдираб турибдилар. Қайс кўр эмас, кўради, бағритош эмас, ҳис қилади. Шуларнинг ҳаммаси баробарида ҳам, у барибир мени ишқдан қутқар деб илтижо қилмайди. Бунинг сабаби нимада экан? Агар у ўзини ишқ шиддатларидан халос этишни сўраса, Мажнун бўлармиди? Мажнун

ишққа мубталоликнинг буюк тимсоли. Шу мубталоликнинг ҳар қандай кўринишида у ўз характериға содиқ, у ўз характериға изчил суратда тобе. Унинг ирода йўналишини мана шу мубталолик ташкил этади. Шунинг учун унинг ўз ишқидан воз кечиши, ишқдан ҳалос исташи сира мумкин эмас. Қайс характерини ташкил қилувчи ҳол ишқнинг поёнсизлиги. Бу поёнсизликнинг маъносига тугал етиш жуда қийин, бунда туйғунинг космик чексизлиги борга ўхшайди. Ҳар қандай поёнсиз нарса билан соғлом ақл ўртасида шундай зиддият бор. Соғлом ақл поёнсизлик билан чиқишолмайди. Соғлом ақл ҳамма нарсани ўз мъеёри, уйғунлиги, чегараси билан қабул қилади. Қайснинг ишқни поёнсиз. Шунинг учун у мажнунга айланди. Қайс ўз мажнунлигида беҳад даражада изчил, яъни характер сифатида баркамол. Мажнунлик унинг ирода йўналишини ифода-лайди. У Қайс образининг бош, етакчи чизиғи, Қайсни шамчироқ деб тасаввур қилсак, мажнунлик унинг муттасил ёнаётган пилиги. Шундан айтишимиз мумкин, образ шамнинг ўзи бўлса, характер шу образнинг пилиги деб.

Худди мана шундай изчиллик қонунларига кўра Фарҳоднинг тоғ қазмаслиги, Ленскийнинг дуэлга чиқмаслиги, Дон Кихот Ломанчийнинг шамол тегирмонлар билан олишмаслиги мумкинмас. Бу — ирода йўналиши, яъни муайян характернинг ифодаси бўлган ҳаракатдир...

Эътибор бериб қаралса, эслаб ўтаётганимиз классик қаҳрамонларнинг характерлари орқали улуғ адиблар инсоний ғояларни илгари сурганлари, инсоний ғояларни, социал фикрларни назарда тутганлари равшан англанади. Боя характер даврнинг белгиларини акс эттиришини эсладик. Энди бунга характер даврнинг ғояларини ҳам акс эттиради деб қўшиб қўямиз. Онегин, Печорин, Корчагин, Йўлчи, Ойқиз, Саида даврнинг ғояларини ва мазмунини акс эттирадилар. Булар эпик миқёслар касб этган инсон характерлари, уларнинг тасвирлари ҳам изчил, батафсил ва кенг. Прозада шундай.

Лекин лирикада инсон характерлари қандай намоён

буларкин? Албатта лириканинг инсон характерларини кенг суратда, ҳар жиҳатдан мукаммал қилиб тасвирлаш имконияти йўқ.

Лирикада инсон характерлари кўпинча концепция тариқасида, ҳаётий ғоянинг ифодаси тариқасида майдонга чиқади. Характер лирикада ўзининг асосий чизиқлари билан кўринади. Лирикада инсон характерининг шаклланиш жараёнлари эмас, характернинг тайёр ўзи гавдаланади ва шоир маълум бир ҳаётий концепцияни ифодаловчи инсон характерини тасвирлаб эмас, тавсифлаб яратади.

Шоир олам ичида эмас, оламлар ичида яшайди ва оламлар ҳосил қилади. Бу оламлар ичида биз шоир шахсининг ифодасига ҳам, шу шахс нафасидан шаклланиган лирик қаҳрамон, лирик шахс, лирик характер кечинмалари дунёси, бадий қиёфасига ҳам дуч келамиз. Уларнинг ҳаммаси автор онгини акс эттиради, улар шоир ғояларининг реал ифодаси. Шунинг учун лирик шахс, лирик қаҳрамон, лирик характер деганда, худди бир нарса ҳақида сўзланаётганга ўхшайди. Аслида эса, улар бир-бирларига ўхшамайдилар. Чунончи «Ўрик гуллаганда» ва «Назир отанинг ғазоби» шеърларида гавдалантирилган қаҳрамонни кўз ўнгимизга келтирайлик. Назир ота ўзини лирик характер сифатида кўрсатади. «Ўрик гуллаганда» шеърда эса бундай лирик характер йўқ. Бунда ўткир ва нафис туйғули лирик қаҳрамон бор. Бу қаҳрамон шоирнинг шахсий қарашларига хос белгиларни ҳам акс эттиради. У характерининг реал қирралари билан эмас, умумий белгилари, умумий сифатлари билан кўзга ташланади. «Чинакам лирикада,— деб ёзади адабиётшунос Л. Гинзбург,— доимо шоир шахси иштирок этади, лекин лирик қаҳрамон ҳақида у устивор белгиларга — биографик, воқеий чизиқларга ўралган тақдирдагина сўзлаш мумкин бўлади». Жамбулнинг «Атир» деган шеърига қулоқ солайлик: Сартарош, Жамбулнинг ёқасига атир сепиб овора бўлма. Сенинг эски курсингда ўтирган одам ёш эмас, қария. Бир пайтлар навқирон эдим, чўяндай чўнг эдим, энди

белим букилди, мўйим оқарди. Менинг ёшлигимни кўрганлар ҳам энди қолмади. Темирни қанча қайрама қилич бўлмас. Қирчангини қанча парвариш қилма, тулпор бўлмас. Шеър тўқиб ўтирган Жамбулга қанча атир сепма йигит бўлмас. Шеърга шоир шахсининг реал белгилари, ҳолатининг муайян кўринишлари сингиган. Бу аниқ. Лекин шу билан бирга шеър Жамбулнинг ўзи ҳақидагина эмас. Шеър умуман қариликнинг уқубати, умр опларининг қайтарилмас эканлиги ҳақида. Шу маънода бу шеър Рудакий ва Ҳувайдонинг қарилик ҳақидаги машҳур шеърлари билан оҳангдош. Шеър ифодасининг қудрати билан шахсий доирадан чиқиб кетган. Бу ўринда ҳам биз лирик қаҳрамон ҳақида сўзлашга ҳақлимиз. Жамбулнинг шеъридаги қаҳрамон билан Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърининг қаҳрамони ўртасида катта бадий фарқлар бор (бу фарқлар бу образларнинг бадий сифати билан боғлиқ эмас. Уларнинг ҳар бири ўз мустақил бадий қимматига эга. Бу ерда фарқ лирик характернинг табиати ва шаклий ифодаси билан боғлиқ). «Сен етим эмассан»да улкан гражданлик миқёси ва қиёфасига эга бўлган лирик шахснинг қарашлари ва кечинмалари оқими ҳаракат қилади. Бу лирик шахс қиёфасида умумлашган ота образи ва умумлашган совет характери яхлит тарзда намоён бўлади. «Сен етим эмассан»даги лирик шахс ўз миқёсига ва моҳиятига кўра Маяковскийнинг «Бор овоз билан» достонидаги шахсга яқин, уларнинг табиатлари бир. Бу асарларда лирик шахс совет характери — социал тип даражасига кўтарилган. Бу характерлар теран концепцияга эга.

Албатта, лирика қаҳрамонларини — лирик шахс, лирик қаҳрамон, лирик характер каби ажратиш жуда шартли. Уларнинг аниқ чегаралари йўқ. Уларнинг хусусиятлари бир-бирига ўтувчан. Шунга қарамасдан, уларнинг табиатида тафовутлар бор ва бу тафовутларнинг ўзига хос томонлари ҳақида сўзлаш жуда ўринлидир.

Характер яратиш юксак бадиниятнинг мезони ва асосий шартларидан бири бўлганидек, лирикада характер орқали инсон ҳаётининг фалсафасини ва кечинмаларининг ранг-баранг дунёсини яратиш шеърят таъсирчанлигининг ва бадний даражасининг, фикрчанлигининг белгиси ва шarti бўлиб қолади. Машҳур совет ёзувчиси Конст. Федин: «Сюжет қуришда характерга суяниш керак», деган эди. Шу фикрин бошқачароқ тарзда лирика учун ҳам айтиш мумкин. Яъни лирикада инсоннинг фикрлар оламига характерлар орқали кириб бориш мумкин. Характер орқали сингдирилган ёки кўтарилган фикр уни тўғридан-тўғри баён қилиб, қуруқ ифодалашга қараганда беҳад даражада таъсирчан бўлади.

Кейинги йиллар ўзбек лирикаси инсон характерлари оламига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Инсон характерлари орқали жуда катта ҳаётий фикрларни ўртага ташлаш тенденцияси сезиларли бир қиёфа касб этмоқда. Характер яратишга интилиш айниқса, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижодида сезиларли даражада баланд мавқега эга бўлмоқда. Бу воқеликни фалсафий нуқтаи назар билан идрок қилишнинг самараси каби юзага чиқмоқда.

Эркин Воҳидов шеърятда давр ҳақиқатларини ифода-лаб берадиган яхлит характерлар яратишга жиддий интиломоқда. У ўзининг «Рухлар исёни», «Бизлар ишляпмиз», «Оқсоқол», «Манфаат фалсафаси», «Арслон ургатувчи» сингари асарларида салмоқли инсон характерларини яратди.

«Бизлар ишляпмиз»даги деҳқон — бугуннинг одами. Унинг қиёфасида даврнинг излари равшан акс этади. Бу аввало жуда фикрчан инсон. У ўз ишини юксак бир нуқтадан туриб идрок ва таҳлил қилолади. Унинг ўз ишига қараши ва шу ишни умумхалқ нуқтаи назаридан баҳолашида шаклланган характернинг яхлит хусусиятлари кўринадди. Бу одам жуда камтарин. Лекин бу ҳеч иш қилмаган одамнинг камтаринлиги эмас, балки катта-катта ишларни

дундириб адо этаётган кишининг олижаноб камтаринлиги. У ўзини кўрсатишни, кўкрак кериб мақтанишни севмайди. «Мен учун темирга сўзлашдан кўра, Эртадан кечгача ер чопган осон». Лекин у фақат ер чопиши билан бўлиб кетган эмас. У ўз ишининг қадри ва аҳамиятини жуда баланд тушунади. Баланд тушунгани учун ҳам, мухбир йигитчанинг деҳқон ҳунари борасида айтган барча сўзлари унга жуда ҳам йилтироқ, ишнинг реал мағизини очишдан йироқ сўзлар бўлиб туюлади. Эркин Воҳидов деҳқон фикрининг шиддатли бир ҳаракат оқимини беради. Бу оқимда онги чиндан юксалган инсон характери гавдаланади. Бу одам—ўзини танишнинг ажойиб намунаси. Унинг мухбир йигитчага қарата айтган сўзлари танбеҳ каби эшитилса ҳам, лекин бу танбеҳлар ўз элининг чинакам граждани оғзидан чиқаётгани учун оғир ботмайди. Иккинчидан унинг сўзлари меҳнатга қараш ва меҳнатни унинг реал ҳақиқати даражасида баҳолаш устидаги катта баҳс ҳам. У меҳнатнинг бутун қаҳрамонлик моҳиятига етмасдан уни юзаки, баландпарвоз сўзлар билан баҳолашга қарши барча илғор қарашли деҳқонлар номидан мунозара олиб боради. Ва ўз мунозарасида деҳқонча зўр мантиқ ишлатади, чинакам реалистик фикрлайди.

«Улкан мажбурият»,

«аҳду паймонлар»—

Деҳқон сўзимас,—

биз кўкрак кермаймиз.

Ҳисоб-китоблидир бизнинг планлар,

Кўзимиз етмаса, ваъда бермаймиз.

Ҳар бир режамизда тажриба-ҳаёт,

Ҳар сўзимизда бор бир илмий асос.

Қилмоқда эмасмиз

«афсона бунёд»,

Бизлар ишляпмиз,

Бу меҳнат, холос.

Меҳнатга муносабат соф маънавий масала. Меҳнатга муносабатда инсон характерининг энг қимматли белгиларидан бири очилади. Меҳнатга муносабат «ирода йўнали-

ши»нинг муайян бир қисмини ташкил қилади. Эркин Воҳидов шуни яхши ҳис қилади ва замонамизнинг жуда салмоқли лирик характери яратади. Унинг Назрул Ислон образи қиёфасида исёнкор инсон характери яратишга бўлган интилиши ҳам хийла муваффақиятли чиқди. Эркин Воҳидовнинг достонида исёнкорлик инсон учун адолат излаш, адолат топишга қаратилган. Мана шундай исёнкорликни Абдулла Орипов яратган жуда салмоқли Ҳаким образида ҳам кузатамиз. Ҳакимни инсонга меҳр ва эътиқод буюк қилган. У ҳам инсон учун адолат ахтаради. Ва адолат излаш йўлидан умрининг сўнгги дамигача заррача бўлсин тоймайди. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов яратган мана шу адолат ахтарувчи инсон характери — ўз ижодий яхлитлиги билан ажралиб туради. Улар сўнгги йиллар ўзбек шеърияти берган, умуман совет шеърияти учун ҳам янгилик бўлган салмоқли йирик ҳодисалардир.

Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг характер яратишга бўлган интилишларида танқидий пафос устун туради. Абдулла Ориповнинг «Бир танишим ҳақида баллада», «Улкан чорраҳа», «Учинчи одам», «Номаълум одам», «Темир одам», «Тарбия» сингари асарларида оригинал «ирода йўналиши»га эга бўлган характерлар гавдалантириб берилди. Абдулла Ориповнинг характерлари жуда кескин чизиқлари билан кўзга ташланади. Характернинг чизиқларини замон чизган, муҳит шакллантирган. Темир одам. На ёмонликдан нафратланади, на яхшиликдан хурсанд бўлади. У на дўст меҳридан, на гул ҳидидан баҳраманд. Лекин ўзи худди Байрон яратган Манфред каби дунёнинг барча сир-асрорларидан хабардор, «балки йўқ унинг учун бирор муаммо», унинг бошида «алжабр усули уюм-уюм» қалашиб ётади. Илм-фанда шунчалар камолга эришган зот бошқа инсонларнинг дардини, кўз ёшларини англамайди, ҳис қилмайди. У тошга айланган:

Кимдир у?

Кимдир у?

Балки у менман?!

Балки у сиздирсиз?

Балки у бошқа...

деб ҳайқиради лирик қаҳрамон. Шу тариқа характер умумлаша бошлайди ва у лирик тип қиёфасини касб этади. Манфреднинг маърифати билан Темир одамнинг маърифати ўртасида тафовут йўқ. Лекин Байроннинг қаҳрамони исёнкор ва ҳаракатчан, унинг исёнкорлиги ҳалокат сари олиб боради. Лекин Темир одам мана шундай ҳаракатчанликдан маҳрум. Бу одам нимадан, нега Темир бўлиб қолганлиги маълум эмас. Биз унинг характерини ташкил қилган асосий хусусиятлари билан шоирнинг қисқа тавсифлари орқали танишамиз. Абдулла Орипов характерни унинг тугал шаклланган, воқеликка айланган ҳолатида кўрсатади. Илм-фан, техника тез тараққий қиляпти. Шу тараққиёт соясида, тўғрироғи унинг забти билан «жонли темирлар», «ҳиссиз темирлар», «ғариблар» дунёга келяпти. Юраги тошга айланиб кетган бундай одамлар қўрқинчли. Техника тараққиётига зўр берганда, шу тараққиёт юзага чиқараётган характерларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Шунинг учун шоир: «Темир одам ясаб юргунча, кўпроқ «Жонли темирлар»ни ўйлангиз, устоз» деб даъват этади. Абдулла Ориповнинг лирик характерлари умумлашма қиёфа касб этади. Уларни шоир «характер» демайди, «одам» — *учинчи одам, номаълум одам, темир одам* деб ишлатади ва тип даражасига кўтаради. Абдулла Орипов инсон меҳри ҳақида жуда теран ўйлайдиган ва эътиборини муттасил шунга жалб қилган ижодкор. У инсон меҳр билан мукамал ва гузал деган ақидага қаттиқ ишонади. Меҳрсизлик инсонни нотугал маҳлуққа айлантиради. Абдулла Ориповнинг характерлари мана шу фикрдан туғилганлар. Оламда меҳр нотугал экан, «*учинчи одам*» характерлари пайдо бўлади. Меҳр нотугал экан, қондошликнинг миллион йиллик ришталари узилади. Бола отага, ота болага бегона бўлади. Абдулла Орипов «*учинчи одам*» типини умуминсоний миқёсга кўтариб чизади.

Учинчи бу одам тирикдир, токи  
 Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.  
 Серғалва асрда бу зот ҳаттоки,  
 Салтанат шаклида бўлур намоён.

Учинчи одамнинг табиатида ҳоким куч нима? У ғанимни дўст, дўстин ғаним қилиб қўяди. Унинг дунёга ғулув солини ҳеч гап эмас. У доимо икки одамнинг ўртасида туради. Оламнинг, одам боласининг ишлари доим чала. Учинчи одам шу чалаликдан фойдаланади. У чала дунёнинг мева-си. Бўлмаса, инсонлар ўз ўртасидаги ишни ўзлари битиролмайдиларми? Ўзлари келишолмайдиларми? Ўзлари чиқишолмайдиларми? Ахир, шоир ҳам шеърини шу гап билан бошлайди: «Инсонлар бир-бирини юрса ардоқлаб, Уртада восита асли зиёда». Лекин одамлар ҳали бу қадар мукаммал тушунчага, психикага эга бўлганларича йўқ. Шунинг учун шоир учинчи одамларга — ўзи топган, кашф қилган ва хулқининг белгиларини, шу хулқ шаклланди-ган ҳолатларни аниқ чизиб берган учинчи одам типига андак қўрқинч билан шундай мурожаат қилади:

Қўлларим кўксимда, бетинч, бетоқат  
 Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам.  
 У — менми, у — сенми, ким бўлма, фақат  
 Сенга инсоф берсин, Учинчи одам!

«Темир одам» шеърида шоир характер хусусиятларини «балки у менман?», «балки у сиздирсиз?», «балки у бошқа», деб умумлаштирган эди. «Учинчи одам»да ҳам яна шу воситадан фойдаланади: «у — менми», «у — сенми», «ким бўлма фақат»... Учинчи одамлик психологияси алоҳида бир одамгагина хос бўлган, ёки маълум бир гуруҳ одамлар тоифасига хос ҳодиса эмас. Учинчи одамлик психологияси умуман инсонга хос. Маълум бир шароитда ким бўлмасин, Учинчи одам вазифасини ўтайди. Буни ўзи хоҳ англасин, хоҳ англамасин. Учинчи одам психологияси ҳар биримизда мудраб ётади. Маърифатли одамлар шу заифлик психологиясини доимо жиловлаб, унинг ғулувга

киришига йўл бермай келадилар. Шоир инсон характерларини ва улар намоён бўладиган ҳолатларини жуда равшан ва аниқ тасаввур қилади.

Абдулла Ориповнинг чорраҳада кўзларини мўлтира-тиб маюс ўтирган ва одамлардан нон эмас, ош эмас, уй-жой эмас, кийим-кечак эмас, фақат мукофот тиланаётган гадо характерини тавсиф билан яратиши маълум бир тонфа кишиларнинг психологиясини жуда нозик идрок қилиш мевасидир. Чорраҳада ўтирган бу одамнинг ҳеч нарсадан ғами йўқ. Ҳамма нарсаси бут. Унда тўқлик ва бутлик шу даражага чиққанки, ўз маъносини йўқотган. Тўқликнинг қадри қолмаган унинг учун, одамликнинг файзи бўлган шукронани унутган у. Бирдан-бир илинжи мукофот. Унинг юзи мукофотни уйлайвериш заҳил бўлиб кетган. Кўзларида инсонлик ўти сўниб, илинж ўти ёниб туради. Унинг бутун вужуди изтиробга айланган, фақат инграгани инграган: «Мукофот берингиз, фақат мукофот!» Нақадар руҳан, маънан қашшоқ одам типини яратган шоир.

«Тарбия»даги ғалати феълли «домлажон» ҳам маънавий қашшоқликда мукофот гадосига жуда яқин туради. Бу ҳам Абдулла Орипов аччиқ ва кескин сўз билан башарасини очадиган гул ҳидини билмаслардан. «Домлажон» ўз манфаатидан бошқа ҳамма нарсани унутган. Ўз манфаатига тўсиқ бўладиган, тўғри келмайдиган ҳамма нарсани янчиб-босиб-топтаб-мажақлаб ўтишга тайёр. Ўз манфаатига берилиш уни беҳад худбин қилиб қўйган. Унинг кўзи тор, юраги ғаш. У гулдурас билан ўтиб бораётган оламга фақат ўз манфаати нуқтан назаридан қарайди. Бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ. У ўз чоғидан каттароқ нарсани кўтаришга, нафсига уришга одатланган. Бошқаларнинг гуллаб яшнашини кўролмайди. Кўролмасликнинг қуроли — иғво ва фитна. У фитна қуролини ишга солиди, ғавғо кўтаради, доимо дунёдан норози бўлиб юради. Домлажоннинг характери анчагина зиддиятки: у «бир қарашда закий зот», «бир қарашда доно» бўлиб кўринади. Шундан унинг маънавий қашшоқлиги янада аянчлироқ бир

тусга киради. Шоир «домлажон»ни унинг характерини бўрттириб очадиган жуда характерли ҳолатлар, картиналарда тавдалантиради.

Характерни унинг етакчи хислати билан очиш Эркин Воҳидовга ҳам хос. Унинг «Сен менга тегма», «Манфаат фалсафаси», «Оқсоқол» каби асарлари маълум бир тип одамларнинг ҳаётдаги етакчи фалсафасини қаттиқ фош қилади. Лекин лирик характер ҳақида сўзлаётганимиз учун бу жиҳатдан «Оқсоқол» шеъри алоҳида мавқеда туради. Шоир асарда инсон характерини ҳам, уни юзага келтирган шароитни ҳам усталик билан очади. Очлик, юпуилик, огир уруш йиллари. Одамлар тонг қоронғусидан нонга навбатда тизиладилар. Лекин дўкон очилиши билан болалар нонга одамлар оша, тартибни буза интиладилар. «Навбат узун эди, бўйимиз қисқа. Нон кам. Халойиқ кўп. Не қилар эдик». Лекин шунда тол хивичини одамлар бошида ўйинатиб «оқсоқол» етиб келади. Одамлар ҳам қўрққанларидан дарров яна навбатга тизиладилар. Бўлмаса «оқсоқол» уларни бир кунлик пондан маҳрум қилиши мумкин. Шундан сўнг шоир «оқсоқол»нинг қиёфасини чизади: «Тартибни кўрарди бир бор, Айланарди парад қабул қилгандек. Сўнгра қўлларини тиқиб камарга, Қора оломондан қилгандек ҳазар, Теналикдан туриб настдагиларга Ғазаб, нафрат билан ташларди назар». Оқсоқолнинг ҳаракатларида ўз ҳукми қувватидан лаззатланиш сезилиб туради. Унинг ҳаракатлари халойиқ устидан ҳукм юритиш туфайли шаклланган. «Оқсоқол» ҳам ўзига хос Учинчи одам. У нон билан одамлар ўртасида туради.

«Оқсоқол» — одамлар муносабатидан шоир ҳайратда. Бу муносабатнинг психологиясини аниқлаб ололмайди: «Мен ҳайрон бўлардим, ажаб, не учун Шу мушук кўзликка тобе одамлар? Ахир, уларники дўкондаги нон, Тартиб билан бориб олсалар нетар?» «Учинчи одам» ни яратган Абдулла Ориповнинг ҳайрати ёдингиздами? Бу ҳайратнинг «Оқсоқол» шеърдаги ҳайрат билан табиати бир. Бу ҳайрат тўданинг кўр-кўрона эргашишга бўлган майлидан

норозилик кайфиятида туғилган. Одамлар ўз онглариининг, идрок, иқтидорларининг измини «оқсоқоллар» деган одамларга бериб қўймасликлари керак. Шoirлар характер яратар эканлар, шундай катта ижодий мақсадни ўз олдиларига қўядилар. Лекин оқсоқолчиликни туғдирган оғир кунлар орқада қолди. Одамлар обод, тинч, бежавотир яшай бошладилар. Аммо «оқсоқол» ҳамон дўкон олдида телмуриб ўлтиради. У ўша замонлар келишинини қўмсарминкин, ё нияти покмикин? Ҳар қалай шоир бу муаммони очик қолдиради. Лекин гап шундами? Шеър давр яратган бир тип орқали огоҳ бўлишга ундамаяптими?!

Миртемир ўзининг эсда қоладиган инсон характерларини ривоят элементи кучли бўлган шеърларида айниқса бадий батафсиллик билан яратади. Қонли уруш бошланиб, ҳали турмуш қуриб қовушмасларидан Паттининг ёри Уроқ урушга кетди. Хайрлашаркан, Паттига чиройли сўзлар айтмади, кут деди, яна жиндак қўшимча ҳам қилиб қўйди, кута олсанг деб. Патти кута олиш маънавиятига эга экан. Кута олишнинг замирида чуқур инсоний туйғу — вафо ётаркан, кучли ирода эгаларигина эмас, кучли севги юрагида ҳоким бўлганлар «кута олар» эканлар. Биз Патти тимсолида ирода севгидан туғилишини кўрамиз. Ирода гўзал инсоний маънавиятнинг сифат иродаси каби англанади бу ўринда. Бу маънавият, шунингдек, кута олиш иродаси билан бирга вафони ҳам назарда тутди. Лекин Паттига ёр висолига етиш насиб қилмади. Севгани Уроқ урушдан қайтмади. Ҳалок бўлди. Паттининг ишончиди нимадир дарз кетди. Лекин унинг севгиси сўнмади. Унинг бардоши кучли эди, бардош севгини тошга айлантирди. Бу — юракда тош қотган севги. Патти Уроқнинг ҳалок бўлганига, энди бутунлай қайтиб келмаслигига ишонмади. Бокира севги бокира умид билан бирлашиб кетди. Патти умид билан кута бошлади, умид билан Уроққа ҳадялар тайёрлади. кўйлаклар тикли. шохлар молчала атади.

Патти шунча бардош, садоқатни қаердан олган? Наҳот Уроқ уни шунчалар ўзига боғлаб қўйган бўлса? Лекин Патти билан Уроқ ўртасида куртаклаган севги на сирли учрашувлар, на тотли бўсалар, на никоҳ билан боғланган. Улар ҳали қовушмаган, ўрталарида покиза севгидан, содда, инсоний, деҳқонча аҳд-паймондан бошқа нарса йўқ эди. Уроқ қайтмагач, Патти инсонийлик қонунларига кўра турмушга чиқиши, оила қуриши, бола-чақа орттириши, катта хонадоннинг соҳиби, инсоф-адолатли бекаси бўлиши мумкин эди. У нега шундай қилмади? Нега атрофдан тинимсиз келиб турган совчиларни қайтараверди? Нега турмуш қуришга раъйи бўлмади? Нега ўзи наслини давом эттиришдан бош тортди? Ахир, у хунук эмас эди-ку? Бедаво эмас эди-ку? Наҳот унинг шу аҳди урушларга қарши исён бўлса? Патти муҳаббат билан яшайдиган, тирикликни муҳаббат билан ўлчайдиган, тирикликнинг маъносини муҳаббатда кўрадиган қиз. Унинг юрагига ошён қурган илк муҳаббат орзуси ушалмай адоқсиз армонга айланди ва сўнг бу тоза юракка бошқа муҳаббат сиғмади. Паттининг маънавияти бизнинг кўз ўнгимизда чала бўлиб қолар эди агарда унинг қалбига ҳоким бошқа туйғуларни билмасак. Патти обод, бола-чақа қий-чув қилиб ўйнаган-кўлган хонадонни орзу қилади. Унинг тушларига ҳовли тола ўйнаб юрган болалар кириб чиқади. Тушларида у узини кайвони она, хонадон бекаси ҳолда кўради. Тушларида у оналик бахтига эришади, оналикнинг ёрқин ҳиссиётларини бошидан кечиради. Лекин уйғониб, реал ҳаётга қайтиб яна ўзининг тош қотган армонига дуч келади.

Кимга ўпкам, зорим, бу мунг, бу гинам?  
Қонларимда қолди не болагина...  
Орзу-ҳавасларим, о, армонларим,  
Еруғлик кўрмаган болажонларим...

Ҳислар қора қуюнга айланган бу инсонлик драмаси қаердан туғилди? Нега бу ҳасратларнинг адоғи йўқ, ким айбдор бунга? Айбдор... уруш, унинг қабоҳати!

Миртемир шу тариқа шеърда лирик кечинмаларини эпик-ривоят қилувчи тасвир билан қўшиб юборади ва инсон ҳаёти тарихининг таъсирчан бадий лавҳасини яратди. Миртемир лирик характер яратиш учун шу усулни қўллайди ва муваффақият қозонади. Батафсил эпик тасвир билан лиро-драматик кечинмаларнинг уйғун ифодаси лирик характер яратиш, унинг асосий инсоний қирраларини намоён қилиш учун бой бадий имконият бериши маълум бўлади.

Миртемир ўз қаҳрамони характерининг асосий иродавий йўналишини, хусусан, унинг бардоши, садоқатини, муҳаббатини теран очади. Миртемир ўз шеърларида лирик характер яратишнинг мана шу йулидан — ҳикоя-ривоят усулидан бошқа бир қатор шеърларида ҳам усталик билан фойдаланади.

Миртемирнинг «Тошбу» шеъри «Патти» шеърида очилмай қолган ҳодисаларни тўлдиради. Тошбунинг эри ҳам фронтга кетган. Шу билан боғлиқ қийинчиликлар Тошбу характерининг энг олижаноб қирраларини рўёбга чиқаради. Тошбу эркаксиз қолган хотинларга бош бўлади, уларни далага олиб чиқади. Ун чоғлик аламзада хотинни бошқармоқ осон эмас. Тошбу бошқалардан ошириб иш қилади, унинг меҳри ҳаммани бирлаштиради. Шу меҳр туфайли улар елкадош, дарддош бир жон, бир тан кишиларга айланадилар.

Эркак меҳнатига кўнликнинг кам-кам,  
Бу ҳам жанг эди-да, қаттол жанг, Тошбу!  
Ҳар қалай қайнашдан қолган йўқ қозон,  
Ўртада қуюқми, суюқми — ёвғон.  
Бувак ҳам, гўдак ҳам бўлмади хазон,  
Бадном этолмади бирон қинғир жон...

Шоир ўзини ҳам, икки боласини ҳам ҳалол, фидокор меҳнат қилиб кун кўришга ўргатган, иш билан одамийлик қон-қонига сингиб кетган ўзбек аёлининг образини яратаркан, конкрет-ҳаётий, шундай аёлларнинг табиатига хос деталларни шеър бағрига олиб киради. Тошбу фақат

кишилик, жамоат ишлари эплаб, қолганига қўл силтаб кетадиганлардан эмас. Унинг хонадонни ҳам покиза, файзли: «косанг тоза, ҳалол, бутун ва буюк, Қора хат, ним қаҳат соломлади чанг». Шоир Тошбу характерида олижаноблик ва нафислик табиий эканлигини бўрттириб кўрсатади. Тошбунинг эри жангдан қайтади. Лекин уни уруш мажруҳ қилиб қўйган, ўпкасида мошдек ўқ ҳам қолиб кетган. Тошбу эрини қучоқ очиб қарши олади. Ўзини бахтли деб ҳис қилади. Миртемир она — аёл — хотин қиёфасини мана шу тариқа таъсирли қилиб гавдалантиради ва унинг табиатида ҳоким ҳаётий кучларни табиий бир латофати билан очади.

Ўзбек шеърида воқелик ва унинг муҳим йўналишларини оригинал, ҳаётий инсон характерлари орқали гавдалантириш — шеъриятнинг фалсафий идрок қуввати ортаётганлигидан, образлар яратишда реалистик рангдорликка интилаётганидан дарак беради. Бу интилиш Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов сингари шоирларда ёрқинроқ кўзга ташланаётганлигининг сабабини мен баъзан Гетё ва Дантенинг таржима қилиниши билан боғлайман. Маълумки, Гёте ҳам, Данте ҳам ўзларининг инсон характерларини уларнинг беҳад гузал ранг-баранглигида гавдалантириш санъатлари билан ажралиб турадилар. Шу нарса уларни таржима қилган ўзбек шоирларининг ижодида бир таассурот қолдирмай иложи йўқ, албатта. Қандай бўлмасин, бугунги ўзбек шеърининг инсон характерлари ва уларнинг ҳаётий, социал, фалсафий, тарихий моҳияти билан қизиқиши жуда хайрли ҳолдир. Шу билан бирга бу қизиқиш тобора чуқурроқ, кенгроқ, салмоқлироқ бўлади деган умидимиз ҳам бор. Замон воқелигини ва унинг ҳақиқатларини ўзида мужассамлантирадиган яхлит ва ҳар жиҳатдан бутун инсон характерларини яратиш — доимо олижаноб иш, доимо санъаткор киши қиладиган иш.

## ҚАҲРАМОН ВА МУҲАББАТ

„Правда» газетасида «Сен етим эмассан» босилиб чиққанда бир жангчи Ғафур Ғуломга хат ёзган ва унда: «Сизнинг Гитлерга қараб отган ўқингиз нишонга тегди», деган эди.

Лириканинг таъсирчанлик қудрати ҳақида айтилган бу сўз унинг ижтимоий моҳияти ҳамда қиммати ҳам белгилаб беради. Улуғ Ватан уруши жабҳаларида жанг садолари аллақачонлар тинди, тўпларнинг халқумлари совиди, инсон қони тўкилган бепоён Европа далалари лолазорларга айланди. Лекин Ғафур Ғуломнинг шеъри ҳамон нишонга уриб келади. Унинг лоақал бир сўзидан ҳам ҳарорат кетган эмас. Хўш, бунинг оламшумул сабаби нимада?

Бунинг сабаби шеърда ифодаланган ҳақиқатнинг қудратида, ҳақиқат билан чамбарчас бўлиб кетган ғоявийликнинг қудратида. Мана шу икки нарса «Сен етим эмассан»ни беҳад фаол ҳодисага айлантиради. «Сен етим эмассан»да ифодаланган ҳақиқат оламшумул ва ўлмас гуманистик ҳақиқат, у буюк ғоялардан ўсиб чиққан ва буюк ғояларнинг пафоси билан қувватланган.

«Сен етим эмассан»нинг ҳар бир сўзи ҳаяжон, ҳар бир сўзи буюк шафқат ва инсоний дарддан ийланган ва етилган. Шунинг учун у нишонга урган, шунинг учун ҳамон ва

токи ер-заминда сувзлик тенгираркан, тамомила нишонга уриб бораверади.

Биз ҳаётнинг лирикага кўчган ҳақиқати ҳақида сўзламоқдамиз. 70-йилларда ким лирика ҳақида сўзлайдиган бўлса шундай фикрларни айтарди. Чунончи, лирикада онгизга тушадиган йирик асарлар яратилмаётир, лирика тобора назмбозликка айланиб кетмоқда, лирика саёзлашиб қолди. Ҳаммадан ҳам ёмони кенг миқёсда етакчилик қиладиган улкан шоирлар қолмади. Шеъриятда йўлбошчилар йўқ. Ҳамманинг таланти ва қилаётган иши, ёзаётган асарлари маълум даражада бир-бирига тенг ва бир-бирига яқин. Лириканинг одамларга, ижтимоий ҳодисаларга таъсир қуввати сўнмоқда. 70-йиллар шеърияти ҳақида гап кетганда шу каби мулоҳазалар кўп айтиладиган бўлиб қолди. Албатта, бундай фикрларнинг кўпи ҳаддан ташқари муболағали ва ҳаддан ташқари кескин айтилган. Лекин уларда ҳақиқат ҳам йўқ эмас. СССР Ёзувчиларининг VI съездида шу ҳақиқатга СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. Марков эътиборни жалб этган эди: «Танқидчилар, шоирлар ва китобхонларнинг анчагина кенг тарқалган фикрларига қараганда, лирик ижодда гарчи маълум бир ютуқлар оз бўлмаса-да, лекин кўзга кўринадиган йирик муваффақиятлар йўқ. Бунга қўшилишга тўғри келади». Мазкур сўзлар, умумий кенг миқёсдаги ҳолатни тўғри акс эттиради. Бундай фикрлар кўпроқ шеърият денгизга айланган ва денгиз сатҳини маълум бир вақт мобайнида ўткинчи хас-хашак босган чоғларда пайдо бўлади. Лекин денгиз бор, у ҳамиша бор ва у ҳамиша ўзини хашаклардан, юзини тўсган кўпиклардан тозалаб туради. Лирика шундай денгизки, бир қудратли шеър сарин ва беҳад тоза шамолга айланиб денгизнинг абадий мовий сатҳини яна очиб юборади ва биз: «Нега мунча мовий, мунча шаффоф, мунча теран бўлмаса бу денгиз!», деб ҳайратга тушамиз.

Лирика ҳеч қачон ўз қуролини ташламайди. Лириканинг кўзи ҳеч қачон хира тортмайди. Лириканинг қалби

ҳеч қачон сўнмайди. Истеъдод самараси бўлмаган ҳодисалар қанчалар баъзан кўп туюлмасин, улар, ҳар қалай, ўткинчи. Лирика эса абадийи яшил, абадийи жозиб, абадийи сеҳрлидир. Мана, Ҳалима ёзади:

Яшайпман... билмай қай рангда сукут  
Бетоқат, тоқатга тўлдир жонимни.  
Ўлсам ҳам... қачондир ўлдирди ўт —  
Ҳаяжон олади жонимни...

Шундай овоз билан сўйлаган лирика қачон енгилган, қачон сарғайган, қачон изланишдан, йўл топишдан ҳориган, чарчаган?

Бундай лириканинг овози ҳаминша жаранглаб туради, у ҳаминша қалблар эшигини очишга қодир. Зотан, у абадий ҳаяжон, абадий безовта ҳаяжондир...

Шуларни ёзарканман, мен бугунги лирикани заррача бўлсин камситолмайман, уни инсон учун ишламаяпти, етуклик сари интилмаяпти, деб айтолмайман. Бунга ҳеч қачон тилим бормади. Чунки бундай дейиш хато ва ёлгон бўлур эди.

КПСС XXV съезди — истеъдод миллий бойлик, деган улуғ ғояни ўртага ташлади. Бу ғоя Лениннинг, истеъдод ноёб ҳодисадир, деган сўзларидан ўсиб етилгандир.

70-йилларнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаракатчилик шу ғоянинг ҳарорати билан шаклланди. Талантнинг қадри янада ортди. Талантларга эътибор ортди. Бундай ғоялар талантда масъулият ҳиссини ўстиради ва вояга етказди. Талантлар бундай ғоялардан миқёс туйғусини касб этадилар. Талант — миллий бойлик! Бу яратувчи инсоннинг кўкрагини бениҳоя юксалтирадиган сўз! Назаримда, кейинги беш йил ичида яратилган лирика шу сўзларнинг шукуҳи ва файзини ўзига сингдиргандир.

Сўнгги йиллар лирикаси, янги минг йилликнинг арафасида турган ва шунинг учун ҳам ўйчан бўлишга, янги минг йилликка янги фикрлар билан пешвоз чиқишга, янги ифодалар топишга чорланган лириканинг бутун изланиш-

ларин нисон қалбига қаратилгандир. Бу йиллар мобайнида қалбий кечинмаларни тасвирлашдан ҳам кўра кўпроқ қалб фалсафасини кашф этишга, қалб сирларини очишга уринди. Лирика қалбдаги исёнлар, ғалаёнлар билан иш кўрди. Андрей Вознесенский эса «Фақат ҳиссиёт гўзал» деган гоини ўртага ташлади. Мен унинг бу сўзларини таҳрир қилиб: «Фақат меҳр гўзал! Фақат муҳаббат гўзал!», дейишни истардим. Қалб деяпмиз, у нима? У муҳит зарбларини ўзлаштирувчи бепоён муҳитдир. У доимо муҳит зарбларини кўчиради. Муҳит зарбларидан шаклланади, тарбия кўради. Ана шу сокин, руҳий ғалаёнлар билан тўлган муҳит бугун юракка нималарни ҳадя этар экан? Бугунги лирика ўзининг энг ўлмас мавзун севгини қандай талқин қилмоқда. Севги талқинларига бағишланган шеърлар бугун ҳам худди кечагидай ғоятда кўп. Бугун ҳам шоирлар севгини муқаддас деб биладилар, эъзозлайдилар. Унга ўз бисотларидаги энг ноёб таърифларни берадилар. Шухрат ўз китобининг номини «Шайдо кўнгил» деб қўяди. Рамз Бобожон эса бир неча йиллик шеърини изланишлари акс этган янги лирика китобини «Муҳаббатга таъзим» деб атайти. Ва ўзининг сўнгги йилларда яратган энг гўзал шеърларидан бири «Куз»да шундай ўтли, маънодор сўзларни айтади:

Табиат рассомдай чизди чизиқлар  
Муҳаббатдан бўлак ҳамма нарсаса...

Куз одамнинг, умрининг, яхшилик ва ёмонликнинг — ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон, лекин фақат муҳаббатгагина унинг кучи ўтмайди. Муҳаббатнинг абадий ёш чеҳрасига, абадий ўлмас жозибасига у ҳеч қачон чизиқлар тортолмайди. Бинобарин, чизиқ тортиш мумкин бўлган нарса ҳеч қачон муҳаббат деб аталмайди. Буни шеърятнинг ота Гомердан бошланадиган узун тарихи яхши исботлайди. Замонамиз шоири ҳам муҳаббатнинг мазмунини оддий сўзлар билан шунча теран ифодалайди. Муҳаббат-

нинг шундай гўзал таърифлари Ҳамид Гуломда ҳам, Шўҳратда ҳам, Туроб Тулада ҳам, Шукруллода ҳам бор. Бундай шеърлар муҳаббатни авайлаш ва эъзозлаш руҳи билан суғорилган.

Бошқа бир қанча шоирларда эса муҳаббат дардга, оташин, алангали, юракнинг бардош бериши қийин бўлган тугёнли кечинмасига айланган.

Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,  
Баланд тоққа бориб солай ҳайё-ҳув!  
Пойинг узра дарё бўлиб тўлгансин  
Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.  
Мен ишқимни айтолмасам ўзингга.  
Вижир-вижир қалдирғочга атайин.  
Ҳар баҳорда шу зангори сўзлардан  
Бўғотингда уя қурсин атайин.  
Айтолмайман чекиб оҳу нолалар  
Ерга кўксим қўяр бўлсам ногаҳон,  
Юрагимдан хабар топган лолалар.  
Фарёд солиб қирга чиқсин бағри қон...

Бу Омон Матжоннинг шеъри. Бу ишқ-дард. Бу ишқ-дарднинг яна бир сирқираган гўзал ифодаси. Ошиқ қалбидаги ишқ қудратини қарангу унинг маъшуқа қошидаги абадий журъатсизлигини қаранг. Шу инсоний журъатсизликдан мажнунона шавқ яралмоқда. Чин ишқ қанчалик шоир қилади одам боласини! Омон ифодалаётган ишқ шунчалар зўрки, агар ошиқ уни тоғ чўққиларидаги асрий қорларга айтса, улар шу ишқ ҳароратидан севгили қизнинг пойига юмма-юмма тукилади. Қалдирғочлар бу ишқ таърифини эшитиб қолсалар, ундан зангори уя қура бошлайдилар, вижирлаб севги сўзларини такрорлайдилар... Ҳалима ҳам ишқ ҳақида ёзса, дард билан ўртаниб ёзади.

Ишқ гул эмас, кўкракка бешафқат санчилган тиг,  
Ё ўлдиргай, ё эса қуёшга кўтаргай тик,  
Қуёш ўтими яқин, алвон букун юзларим,—

дейди у бугунги энг оташин шеърларидан бирида. Ҳалима ишқда жасорат ва алангани ҳаммадан юқори қўяди:

Ишқена бўлса ҳамроҳга шавқим, додим йўқ менинг,  
 Юлдузим тушгай чоҳга, давоматим йўқ менинг,  
 Ериш буркирман оҳга, ҳаловатим йўқ менинг,  
 Ишқдан ўзга оллоҳга тиловатим йўқ менинг.  
 Шу сабабким севгини аршга қўйиб сизладим.

Бу жуда мардона ва инсоний, бугуннинг лирикасини ишқнинг олижаноб туғёнлари сари етаклайдиган шеър. Кунлар сокин тароватга тўлган бир даврда шундай сўзон ишқий шеърларнинг яратилиши қалб доимо ўз драмалари ва ўз зиддиятлари билан яшаётганидан, драмалар тобланиб олижаноблик, теран инсонийлик касб этаётганидан далолат беради.

Бу жаҳоннинг мангулиги муҳаббатнинг кашфидир,  
 Кашфиётлар ўз-ўзидан қўлга кирмиш қайси дам?—

деб ўзини сўроқлайди Ойдин Ҳожиеванинг лирик қаҳрамони. Шоира қарашларида муҳаббат ҳаракатдаги абадий кашфиёт. Одам оламга муҳаббатнинг кўзи билан қараганда уни олижаноброқ, етукроқ, гўзалроқ, маърифатлироқ бир ҳолда кўради ва кашф этади. Севган қиз қалби мана бу шеърда қанчалар нафис хаёлларга ғарқ, у олами қанчалар баркамол кўради ва ифодалайди:

Сенга топинганим билдию тоғлар —  
 Деди: «У биз каби басавлат, сокин».  
 Ёниб улгурмаган қизгин чақмоқлар  
 Деди: «У биз каби бешафқат, ёрқин».  
 Йўлимда шивирлаб қолди дарахтлар:  
 «Ишқи илдизлари бизнингдай маҳкам!»  
 Бошимда чақчақлаб учди қўш каптар:  
 «—Укпар патларимдай майин ишқи ҳам...».

Омоннинг шеъри каби бу ерда ҳам оташин севгига табиат ҳамроҳ. Севги ўзининг энг гўзал даражасига етганда табиатни ҳам оғушига тортади. Инсон юрагидаги севгининг нақадар улуғлигини табиат ўзининг гўзал шоирона кучлари билан тасдиқлаб, уни янада гўзаллаштиради.

Аста пичирлади қай куни шамол:  
«Биздай донишманду ақли тиниққан»,  
Ойнинг шуъласида ўқидим бир фол:  
«У сени топгуси, йўлинига чиққан...»

Қалбимни Уйғуннинг, Ҳамид Олимжоннинг, Зулфиянинг энг гузал севги шеърларининг шавқи эгаллайди. Ойдин Ҳожиеванинг мана бу шеъри ҳам ўша оташин шоирларнинг тўлқинли, дардли, мунаввар бағрида нафас олиб етилгандай бўлиб туюлади. Бу шоирлар куйлаган ва куйлаётган мунаввар муҳаббат қанчалар бағирдошлик ва қанчалар гузал ҳаётийлик, шоирона порлоқлик зуҳур этмоқда. Шеърнинг сўнгги сатрлари муҳаббат ҳиссиёти шоирлар учун туғма ва азалий эканлигини англатади:

Қишин-ёзин шу ҳол. Шундай эрта-кеч,  
Толмадим таърифнинг дол тингламоқдан.  
Сени кутгандайман, келгандайман дуч  
Ер узра илк қадам қўйганим чоқдан...

Мен Ҳалима Худойбердиева ва Омон Матжон, Абдулла Орипов ва Ойдин Ҳожиеванинг айниқса, муҳаббат ҳавосида яратилган шеърларида фикр қурилишининг беҳад гузаллиги ва юксаклиги, мумтоз шоирона ифодаларга бойлигини алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Муболағасиз айтиш мумкинки, 80-йилларга, яъни сифат ва моҳият жиҳатидан биз учун тамомила янгича бир аҳамиятга эга бўлган ўн йилликларга кириб бораётган бугунги ўзбек шеъриятида инсоний теран муҳаббат ҳақидаги энг оғизга тушган, замондошлар юрагида кучли акс садо бераётган шеърлар кўпинча мана шу шоирлар қаламига мансубдир. Бу шоирларга яқин интилишлар билан адабиётга кириб келаётган бир ёш шоира бор. У — Қутлибека Раҳимбоева. Ёш шоиранинг шеър усулида Ҳалиманинг кескин шиддати ва Ойдиннинг латифлиги кўзга ташланади. Шу билан бирга бу зоҳирий ўхшашликлар ичидан унинг ўзига хос бўлган томонлари ҳам бўртиб кўринмоқда. Қутлибекада

одампарварлик кучли. У ўтли муҳаббат ҳақида ёзади. У ўз одампарварлигида жуда қатъиятли ва кескин. Унинг сатрларида муҳаббат қандай ҳароратли бўлса, шафқат ҳам шунчалар ҳароратли. Лекин унинг шафқати қаттиққўл одамнинг энг зарур пайтдагина зуҳур этадиган шафқати каби англанади:

Дилларда азоб бор, севинч бор, демак,  
Зулматлар бир чақа! Бу — буюк оқшом  
Фақатгина дўстим, ойдин йўлларда  
Бўм-бўш юрак билан судралмоқ даҳшат!—

дейди Қутлибека. Унинг муҳаббати кескин эканлиги шеърдан, шеърининг кескин оҳангидан равшан кўриниб турибди. Юрак ҳали азоблар ва қувончлар жомини лиммо-лимлигича кўтаришга қодир экан, демак, яшаса арзийди. Демак, зулматларни енгиб ўтиш қийин эмас. Қутлибеканинг қаҳрамонини қийинчиликлар, номаълум мушкулликлар қўрқитолмайди. У худди ҳаётда албатта қийинчиликлар, машаққатлар бўлишига олдиндан тайёргарлик кўргандай. У ўзи севган одамнинг руҳан беҳад кучли бўлишини, мард ва матонатли бўлишини истайди. Унда шундай матонат етишмаётган бўлса, томирига уни қуйишини истайди. Бўронлардан қўрқиб ўтирма, бўрон сиққан жойга биз ҳам сиғамиз, дейди.

Дунёда севгидан йироқ ҳисларнинг,  
Пироқ туйғуларнинг ўлгани яхши!—

дея баралла хитоб қилади Қутлибека бошқа бир шеърида. Бу севгида ёшликнинг ботирлиги ва ўжарлиги акс этади. Лекин булар ҳаётга рўй-рост ва очиқ юз билан, жуда қимматли инсоний самимият билан қарашлардан туғилган сатрлардир. Булар Қутлибеканинг қалби шеъриятга ҳаммавақт ҳам ардоқли бўлган туйғулар билан тўлиб-тошиб келаётганлигидан, юрагида шеърият учун беҳад азиз бўлган олов ловуллаб турганидан дарак беради.

Муҳаббат лирикаси ҳақида сузларканмиз, бугунги ўзбек шеъриятини шу номларнинг ўзи билангина чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Ўзбек шеъриятида овозлар кўп ва ранг-баранг. Кичик бир мақолада эса уларнинг ҳаммасига тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Шунинг учун мен жуда ўзига хос ва ёрқин мисолларгагина тўхталмоқдаман. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева бугунги ўзбек шеъриятида ҳаракат қилаётган талантларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар бугунги кунда ўзига хос, ўз услубларига эга, мустақил мавқега эга бўлган шоирлар каби шаклланиб улгурдилар. Улар шеърияти жуда ҳаракатчан, ўсишга, янги ижодий имкониятлар қидиришга ва топишга қодир бўлган шеърят. Улар шахс ва инсон сифатида камолга етган сари шеърларида ҳам янги бадий силжишлар, кўтарилишлар сезиларли бўлиб бормоқда. Эркин Воҳидовнинг «Тирик сайёралар», «Рухлар исёни» каби асарлари, Ҳалима Худойбердиеванинг «Иссиқ қор», Ойдин Ҳожиеванинг «Наво» ва «Тароват», Абдулла Ориповнинг «Юзмаюз», Омон Матжоннинг «Енаётган дарахт» ва «Ҳаққуш қичқириғи», Гулчеҳра Нуруллаеванинг лирик-публицистик руҳдаги шеър китоблари мана шундай сифат ўзгаришлари рўй бераётганлигини англатади. Бу шоирлар шеъриятда жуда фаол ишламоқдалар. Шеър уларнинг умрлик ишига, умрларининг тугал мазмунига айланиб қолгани тобора кучлироқ кўзга ташланмоқда. Улар шеърини, бадий сўзни муқаддас деб биладилар, улар замондошлари қалбига ўзларининг гўзал самимиятлари, илғор ва муҳаббатли қарашлари, олижаноб, одампарварлик билан юксалган ҳиссиётлари билан кириб боришни истайдилар ва шунга жон-дилдан интиладилар. Мен, бугунги ўзбек шеърияти бу шоирларнинг ҳассослиги ва донишмандлиги қиёфасида ўзининг энг яхши сифатларини яна қайтадан кашф қила бошлади, деб ҳисоблайман. Ана шу шоирлар ижодида замондош билан ҳаяжонли мулоқат баъзан шу қадар эҳтиросли тўлқинга кирадики, уларнинг юраклари

бу эҳтирос шиддатига қандай дош бераётганлигига одам ҳайрон қолади. Уларнинг сўзларидан ҳаяжон балқиб туради.

Зулфия «Пушкинга» деб аталган виқорли бир шеърда: «Биласиз, шеър демак, дилдираган жон» деган эди. Юрак сўз, фикр, кечинма шавқи билан шундай жўшиб турганда, лирика ўзининг сеҳр тугунларини еча бошлайди ва ой, юлдузлар кўк тоқидан шеър тоқига туша келади. Тарихларнинг қатламлари очилади. Янгича онглار туғилади. Шарафли мавзулар янгича жаранг касб этади.

Шеър бошдан оёқ оламга ҳаяжонли муносабат. Совуқ ақлий муҳокамалар тизмаси билан, аллақачонлар кашф этилган гапларни озгина ранг-бўй қўшиб такрорлаб, ўз муносабатини билдириб қўйиш билан шеър битмайди. Ҳар қандай ҳолда бизнинг идеалнимиздаги шеър, бизнинг улуг боболаримиз ёзган шеър бу — инсоний муносабатлар нчра портлаган ҳаяжон:

Бир даста гул келтирди қизлар,  
Орасига бир шеър яшириб.  
Гулни қўйдим гулдонга,—

деб ёза бошлайди Зулфия. Шеър одам қалбининг ойнаси. Қаранг, шоира ҳаяжонини босиб олмоқчи. У осуда, босиқ фикр юритмоқчи. Лекин маълум бир нуқтага келганда у ҳароратга дош беролмайди. Меҳрнинг гўзаллиги бунга йўл қўймайди, шоиранинг ҳиссиётлари портлайди:

... ҳислар  
Минг томиримда қуюн тошириб,  
Тўлқинига қуёш тўшади...

Портлаш алангаси баландга ўрлай бошлайди:

Ўйноқ дил-ла ўқийман шеър:  
Дил тубида бўрон кўчади.

Биз шу бурон кучайгандан кучайиб бораётганлигини ҳис қилиб турамиз:

Мен зилзила кафтадаги ер  
 Мисол...  
 Бутун борлигим вайрон,  
 Ўталмаган бурчдан хижилмап;  
 Шодлигингиз недан бир жаҳон,  
 Недан сизга шунча азизман?

Шеър қанчалар шахсий ҳодиса. Лекин у қанчалар ижтимоий руҳ касб этадиган ва ўз ҳаракатида ижтимоий-тарихий реаллик билан чамбарчас боғланиб кетадиган шахсий ҳодиса. Бинобарин, шоир шахсан, одамийлик даражаси жиҳатидан қанча улкан бўлса, унинг ижоди шунчалар тез ижтимоийлашади. Зулфиянинг қизлар шоирага бир даста гул келтирганда туғилган шеърини ўқиб, инсонга оддий эътибор, оддий бир меҳрнинг қадри шунчалар баландми, инсоний меҳрнинг, эътиборнинг қудрати шунчалар улугми, деб ўйлайсиз. Шогирдларнинг меҳри Зулфиянинг катта қалбида жиловланиб, теран акс садо берди. Шоир шахсий ҳаётида рўй берган бир воқеа, факт қалб кўзгуси орқали улугворлик касб этди.

Бу шеър қаттиқ ҳаяжон ичида яратилганлиги шоира жуда ёрқин ифодалаётган ҳолатдан кўриниб турибди. Ҳалима, Ойдин, Омоннинг шеърларида ҳам биз шундай кучли эмоционал-экспрессив ҳолатга, ҳаяжонли сўзга дуч келган эдик. Уларда бу шеърый ҳаяжоннинг табиати бирга ўхшайди. Лекин ҳаяжоннинг ифодаси, унинг оҳанги, мусиқаси қанчалар ранг-баранг! Қанчалар ўхшаши йўқ уларнинг! Оҳ, бу ҳаяжон тошиб турадиган булоқлар! Оҳ, бу кечинмасининг поёни йўқ инсон қалбининг булоқлари! Меҳрдан яралган чашмалар! Шамоллар ер кўксидан чиққан оҳлардан, ҳароратлардан ҳосил бўлганидек, шеър ҳаяжондан туғилади. Шеърнинг онаси ҳаяжон. У оламга ҳаяжонли муносабатларнинг сифатларини акс эттиради ўзида. Ҳаяжон гуркираб турмаган шеър у ҳар қанча ма-

ҳорат билан ёзилган бўлмасин, ҳиссиётларимизга таъсир қилмайди, юракларимизни жизиллатмайди ва ўзига эргаштирмайди. Мен Зулфия, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов сингари шоирларнинг шеърларида ҳаяжоннинг тафти ва даражаси ҳамон баланд деб биламан. Шеърят ўзининг шундай навқирон, ёшлик завқлари ва ёнишларини йўқотмаган ҳаяжонлари билан янги ўн йилликка, янги минг йилликка кириб бораётир. Юрак доимо шеър дарди билан яшаганда, юрак доимо излаганда, ҳаяжон унга боқий қувончлар бахш этади. Асқад Мухтор ўз янги шеърларида умрнинг маъно ва мазмуни ҳақида теран ўй суради. Ўз ҳаётининг чегараларини, ҳаракат доираларини белгилаб олмоқчи бўлади. Бир шеърида у ўзига устма-уст: «Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим?», дея савол беради. Қалбига гулув, қаттиқ ҳаяжон солган ўй-хаёлларнинг чегарасини чамалаб олгиси келади. У ўзига, шуурига, талантига янги имкониятлар қидираётгани англашилади. У безовта онг билан шу саволларга жавоб ахтаради. Ва ҳаётни теран англаган катта ижодкор каби бу чегараларни топади. Инсоннинг ҳаёли коинот губорларидан, энг олис юлдузларнинг бизга етиб келмаган шуълаларидан тортиб, кўк дарахтнинг кўк япроғигача қамраб ола олади. Инсоннинг ўта сезгир ҳиссиётларига дарахтга бевақт урилган болта, замин пучмоқларида пайдо бўлган қора байроқ, маҳаллага келган қора хат, пешанасига нур битмаган тақдирлар—ҳаммаси қаттиқ таъсир қилади, ҳаяжонли муносабат уйғотади. Шоир юраги аланга олишга тайёр туради. У ўтмишга меросхўр, келажакка ворис. Шунинг учун Бруно ёнган ўт ҳали ҳамон унинг елкасини куйдиради. У келажакка масъул. Келажакнинг қиёфасини ўз ўйларида суратлантиради. Келажак одами ҳақида ўй суради. Бугундан келажакка қолаётган ҳодисалар ҳақида чуқур ўйга толади. Ва мана шулар баробарида у яна ўзига ўша нотинч саволни беради: «Қайдан, қайгача у, менинг ҳаётим?». Ҳаёт доимо нуқтадан нуқтагача давом этади. Нуқтадан нуқтагача қадар чегара. Сўнг бошқа нуқталар

бошланади. Бошқаларнинг даҳлсиз умри нуқталари. Мана шу икки нуқта орасида чегарасизлик бор. Бепоеъ такрор ва бепоеъ ранг-баранглик бор бу нуқталар орасида. Инсон шу икки нуқта ўртасида қоғозга тушириб тугаллаб бўлмайдиган қувончлар ва ташвишларни бошдан кечиради. Шоир умрнинг ўрта ҳолатида туриб яна ўзига ўзи савол бергандай бўлади: дунёга келиб мен нима орттирдим? Одам боласи ким бўлишидан қатъий назар, эртами-кечми ўз олдига шу саволни қўяди. Бу табиий, албатта. Лекин шу драматик саволга қониқгудек жавоб берадиган одамлар ҳали кўпмикан дунёда? Биз бунини янги минг йиллик бўсағасида қаттиқ ўйлашимиз керак. Лирика бунга ўзини сафарбар қилиши зарур. Асқад Мухтор ўзининг бугунги камолот поғонасида туриб, бу саволга шундай жавоб беради:

Мен дунёга келиб дунё орттирдим,  
Ҳаммасини ташлаб кетарман.

Қалбни эса

сўнгги ҳужайрасигача

Ловиллатиб ёндириб кетарман.

Бу шоирнинг бугунги қарашларини, ҳаётини позициясини белгилайдиган сўзлар. Одам шундай аҳд билан яшаса ва аҳдига устивор бўлса, у — бахтлидир. Асқад Мухторнинг шу сўзлари унинг кейинги йилларда яратган фалсафий теран шеърларини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Шоир «Кўнгил» деган шеърини «Нимадир етмайди инсонга ҳамиша, Озга қониқмайди, кўпга интилар», деб бошлайди. Ўрни келганда айтиб ўтишим керакки, Асқад Мухтор ҳар бир шеърини жуда интенсив маънодор сатр билан бошлайди. Шеър бошидаёқ унинг айтаётган фикри кўнгилга жаз этиб тушади. Сўнг бу сўздан кўнгил узиб бўлмайди. Бошламада у қандай ўткир сўз ташлаган бўлса, шеър оёғида ҳам шундан қолишмайдиган, балки ўткирроқ фикр беради. Асқад Мухтор миниатюраларининг ком-

позицияси жуда ҳам мароқли. Асқад Мухтор ўз шеърларида китобхонни бирга фикрлашга чорлаб туради. У кўпинча китобхонни мустақил фикр юритишга даъват этаётгандай бир таассурот қолдиради. Унинг шеърида ўзак фикр айтилади ва шунинг атрофида кенг фикрлашга имконият қолдирилади. Бу фалсафий лириканинг энг гўзал хусусиятларидандир. Бояги шеърга қайтайлик. Яъни: «Нимадир етмайди инсонга ҳамиша». Шоир халқ фалсафасида кенг баҳс этиладиган ҳаётий бир фикрни ўртага қўйди. Демак, инсонга доимон нимадир етмайди. Шу фикр сизнинг тасаввурингизни турта бошлайди. Шоир сизга фикрнинг битта ҳалқасини берди. Сиз унга энди ўз ҳалқаларингизни улай бошлайсиз. Санъатда жуда гўзал абр-банд деган тушунча бор. Шунга қиёс қилиб фикрбанд деган сўз яратайлик. Асқад Мухторнинг шеъри фикрбанд шеър. У фикрдан фикр келтириб чиқаради. Балки буни ассоциация деб атасалар керак. Шеърга қайтайлик. Шоир фикрингизни уйғотди, энди унга интизом билан давомли йўллар таклиф этади. Инсонга нимадир етмайди. Инсон доимо ташна. Инсон кўпга интилади. Интилишларида жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатади. Кўкларга интилади. Ҳеч очилмаган сирларнинг очилмас пардаларини кўтариб кўргиси келади. Инсон қудратли. Лекин қудратли инсоннинг жуда позик бир жойи бор. Бу — унинг кўнгли. Уни ноҳақлик, кўрнамаклик, дағаллик чил-чил қилиши мумкин. Малол келадиган бир оғиз сўз одамнинг кўзига ёруғ оламини қоп-қоронғу қилиб қўйиши мумкин. «Бундай пайтда кўп керак эмас, Бир ширин сўз унга кифоя», дея хотималайди шеърини Асқад Мухтор. Ана энди биринчи мисрага қайтайлик. Ахир, унинг маъноси қанчалар чуқурлашди шеър сўнгига келиб. Инсонга доимо нимадир етмайди. Лекин ширин сўздан, демак, меҳрдан деб тушунайлик бунини, ортиқ бойлик йўқ экан инсонга. Ширин сўз инсон кўнглининг энг ноёб давлати. Одам умрнинг узоқ йўлига чиққанда ўзи билан аввал ширин сўз ва меҳрни ола чиқиши керак экан. Биз Зулфия ва Асқад Мухтор шеърлари баҳо-